



**ANALYSIS OF THE OFFENCE OF PRODUCTION OR USE
OF POTENT OR TOXIC SUBSTANCES NOT CLASSIFIED
AS NARCOTIC DRUGS, PSYCHOTROPIC SUBSTANCES,
OR THEIR ANALOGUES**

Azizbek Abdurakhmanov

Independent Researcher, Law Enforcement Academy of the Republic
of Uzbekistan.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.22305147>

ARTICLE INFO

Received: 24th August 2026

Accepted: 29th August 2026

Online: 30th August 2026

KEYWORDS

*Violation of the rules for the
production or use of potent
or toxic substances not
classified as narcotic drugs,
psychotropic substances, or
their analogues; criminal law
aspects; qualification of
offences.*

ABSTRACT

*This article provides a comparative analysis of the
criminal law aspects of the offence of violating the rules
for the production or use of potent or toxic substances
not classified as narcotic drugs, psychotropic substances,
or their analogues. The article also examines the
criminal law conflicts that arise in the application of
these legal norms and develops scientifically
substantiated conclusions and proposals aimed at
improving criminal liability for this act.*

**АНАЛИЗ ПРЕСТУПЛЕНИЯ, СВЯЗАННОГО С ПРОИЗВОДСТВОМ ИЛИ
ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ СИЛЬНОДЕЙСТВУЮЩИХ ЛИБО ЯДОВИТЫХ
ВЕЩЕСТВ, НЕ ЯВЛЯЮЩИХСЯ НАРКОТИЧЕСКИМИ СРЕДСТВАМИ,
ПСИХОТРОПНЫМИ ВЕЩЕСТВАМИ ИЛИ ИХ АНАЛОГАМИ**

Азизбек Абдурахманов

Самостоятельный соискатель

Правоохранительной академии Республики Узбекистан.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.22305147>

ARTICLE INFO

Received: 24th August 2026

Accepted: 29th August 2026

Online: 30th August 2026

KEYWORDS

*Нарушение правил
производства или
использования
сильнодействующих либо
ядовитых веществ, не
являющихся
наркотическими
средствами,
психотропными
веществами или их
аналогами, уголовно-*

ABSTRACT

*В данной статье проведён сравнительный анализ
уголовно-правовые аспекты преступления,
связанного с нарушением правил производства или
использования сильнодействующих либо ядовитых
веществ, не являющихся наркотическими
средствами, психотропными веществами или их
аналогами. В статье также изучены уголовно-
правовые коллизии, возникающие при применении
норм закона, и разработаны научно обоснованные
выводы и предложения, направленные на
совершенствование уголовной ответственности
за данное деяние.*



правовые аспекты,
квалификация
преступлений.

**ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ, ПСИХОТРОП МОДДАЛАР ЁКИ
УЛАРНИНГ АНАЛОГЛАРИ ҲИСОБЛАНМАЙДИГАН КУЧЛИ ТАЪСИР
ҚИЛУВЧИ ЁХУД ЗАҲАРЛИ МОДДАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЁКИ
УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЖИНОЯТИНИНГ ТАҲЛИЛИ**

Азизбек Абдурахманов

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил
изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.22305147>

ARTICLE INFO

Received: 24th August 2026

Accepted: 29th August 2026

Online: 30th August 2026

KEYWORDS

Гиёҳвандлик воситалари,
психотроп моддалар ёки
уларнинг аналоглари
ҳисобланмайдиган кучли
таъсир қилувчи ёхуд
заҳарли моддаларни
ишлаб чиқариш ёки
улардан фойдаланиш
қоидаларини бузиш,
жиноий-ҳуқуқий
жиҳатлар, жиноятларни
квалификация қилиш.

ABSTRACT

Ушбу мақолада гиёҳвандлик воситалари, психотрон
моддалар ёки уларнинг аналоглари
ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёхуд
заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш ёки улардан
фойдаланиш қоидаларини бузиш жиноятининг
жиноий-ҳуқуқий жиҳатлари қиёсий таҳлил
қилинган, қонун нормаларини қўллашдаги жиноий-
ҳуқуқий коллизиялар ўрганилган ва жавобгарликни
такомиллаштиришга қаратилган илмий
асосланган хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Жиноят қонунчилигини ислоҳ
қилиш давомида меъёрий-ҳуқуқий
нормаларни қўллаш амалиёти
сифатини ошириш, дастлабки тергов
ва судда шахсларнинг қилмишига
тўғри баҳо бериш, шу билан
биргаликда айб учун жавобгарлик ва
жавобгарликнинг муқаррарлиги
принципларини таъминлаш борасида
мамлакатимизда тизимли ишлар
амалга оширилмоқда.

Гиёҳвандлик воситалари,
психотроп моддалар ёки уларнинг
аналоглари ҳисобланмайдиган кучли

таъсир қилувчи ёки заҳарли
моддаларнинг ноқонуний муомаласи
учун 2004 йилда жиноий жавобгарлик
белгиланиб, ўтган йиллар давомида
мазкур тоифадаги қилмишлар учун
жавобгарлик такомиллаштириб
борилди.

Статистик маълумотларга кўра,
кучли таъсир қилувчи ва заҳарли
моддаларнинг ноқонуний айланмаси
ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда.
Жумладан, Жиноят кодексининг
251¹-моддаси билан 2018 йилда 2 та



жиноят ҳисобга олинган бўлса, 2024 йилда улар 835 тага етган [1].

Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар билан боғлиқ жиноятларнинг айрим жиҳатларига М.Х.Рустамбаев, Х.Ш.Одилов, Ф.Якубов, Р.Кабулов, М.Хайдаров, С.Тошнӣёзов ва бошқа олимларнинг илмий ишларида эътибор қаратилган.

Хусусан, С.Тошнӣёзов томонидан кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашишнинг жиноий-ҳуқуқий чораларини такомиллаштириш масаласи илмий тадқиқот доирасида ўрганилиб, кўплаб таклифлар асослантирилган.

Шунингдек, М.Хайдаров томонидан Жиноят кодексининг 251¹-моддасининг қисмларини алоҳида жиноятлар сифатида турли моддаларга ажратиш таклиф қилинган [2].

11.06.2026 йилда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналогларининг ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи учун жавобгарликни такомиллаштиришга қаратилган кўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1151-сонли Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниб, унга кўра мазкур тоифадаги жиноий қилмишлар тизимлаштирилиб, янада аниқ тавсифланиб, жазо чоралари қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасига ва жамиятдаги криминоген вазиятга мутаносиб равишда мувофиқлаштирилди.

Хусусан, Жиноят кодексининг “Гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар” деб номланган XIX боби “Аҳоли саломатлиги ва генофондига қарши жиноятлар” дея номланди.

Мазкур қонун қабул қилинишидан аввал Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 251¹-моддаси олти қисмдан иборат бўлиб, унда жами уч турдаги жиноий қилмишлар ўрин олган эди. Эндиликда ушбу уч қилмишнинг ҳар бири алоҳида жиноят сифатида Жиноят кодексининг XIX боби таркибига 276⁵, 276⁶, 276⁷-моддалар сифатида киритилди.

Жумладан, ЖКнинг 276⁵-моддасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналоглари ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этганлик учун, ЖКнинг 276⁶-моддасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналоглари ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритганлик учун, ЖКнинг 276⁷-моддасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналоглари ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш учун жавобгарлик белгиланди.

Аввал гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп



моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёхуд жўнатиш қоидаларини бузиш, агар бу эҳтиётсизлик орқасида уларнинг ўғирланишига ёки бошқа тарзда жиддий зарар етказилишига олиб келганлиги ЖК 251¹-моддасининг олтинчи қисми билан тартибга солинар эди.

Сўнгги ўзгартиришларга кўра, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналоглари ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташишнинг ёки жўнатишнинг белгиланган қоидаларини бузиш, агар бу эҳтиётсизлик орқасида уларнинг талон-тороғ қилинишига ёхуд бошқа тарзда жиддий зиён етказилишига олиб келган бўлса, шахс ЖКнинг 276⁷-моддаси билан жавобгарликка тортиладиган бўлди.

М.Х.Рустамбаевнинг фикрича, “ЖК 251¹-моддасининг объекти гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддалар билан муомала қилишнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган тартибидир [3].

С.Тошнӣёзов ўзининг тадқиқот натижаларига кўра, “ушбу жиноятнинг махсус объектини – жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартиби, турдош объектини – аҳоли саломатлигини асраш, таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар сифатида

таърифлайди. Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритишнинг асосий бевосита объекти аҳоли саломатлигини асрашга қаратилган кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддалар билан муомала қилишнинг белгиланган тартиби, қўшимча бевосита объекти эса, ушбу жиноят туфайли асосий бевосита объектга зарар етказилганда муқаррар зарар етиши мумкин бўлган ижтимоий муносабатлар, яъни экология, жамоат хавфсизлиги, аҳоли саломатлиги ва одамлар ҳаёти ҳисобланади”, деган тўхтамга келган [1].

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 27.11.2021 йилдаги 33-сонли қарорида, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёхуд жўнатиш қоидаларини бузиш одамнинг узоқ муддат давомида касалланиши, атроф-муҳитнинг заҳарли моддалар билан ифлосланиши ва ҳоказоларда ифодаланиши мумкинлиги, эҳтиётсизлик орқасида баданга шикаст етказилиши ёхуд одам ўлиши ЖК 251¹-моддасининг тегишли қисми билан қамраб олинishi ва ЖК бошқа моддалари билан квалификация қилишни талаб этмаслиги белгиланган [4].

Юқоридагиларга кўра, мазкур модданинг қўшимча бевосита объектлари сифатида инсон ҳаёти, инсон соғлиғи, атроф-муҳитнинг муҳофаза қилинишига оид ижтимоий муносабатлар ҳам тушунилишини кўришимиз мумкин.



ЖКнинг 276⁷-моддасидаги қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва таснифланишини таҳлил қилиш учун аввало жиноятнинг субъектив томондан қандай содир этилишини ўрганишимиз лозим бўлади.

Мазкур қилмишда айб эҳтиётсизлик шаклида намоён бўлади. Чунки, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналоглари ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташишнинг ёки жўнатишнинг белгиланган қоидаларини бузиш, агар бу эҳтиётсизлик орқасида уларнинг талон-торож қилинишига ёхуд бошқа тарзда жиддий зиён етказилишига олиб келгандагина жиноят таркиби мавжуд бўлади. Яъни агарда ғайриқонуний хулқ-атвор натижасидаги қилмиш эҳтиётсизлик орқасида кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддаларнинг талон-торож қилинишига ёхуд бошқа тарзда жиддий зиён етказилишига олиб келмаса жиноят таркибини ташкил этмайди.

ЖКнинг 276⁷-моддаси бир қисмдан иборат бўлиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Жиноят кодексининг 15-моддасига кўра, жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик

даражасига кўра: ижтимоий хавфи катта бўлмаган; унча оғир бўлмаган; оғир; ўта оғир жиноятларга бўлинади.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради [5].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, таҳлил қилинаётган жиноят ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига киради.

ЖКнинг 276⁷-моддасида кўрсатилган жиноятнинг субъекти махсус субъект бўлиб, маълум қоидаларга амал қилиш мажбурияти юклатилган шахс ҳисобланади.

Хорижий мамлакатлар қонунчилигига назар ташлайдиган бўлсак, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг сотиш мақсадида кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларнинг қонунга ҳилоф муомаласи деб номланган 234-моддасининг 4-қисмида “кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатиш қоидаларини бузиш, агар бу эҳтиётсизлик оқибатида уларнинг талон-торож қилинишига ёки бошқа жиддий зиён етказилишига олиб келган бўлса, жиноий жавобгарликка сабаб бўлади”. [6].

Россия Федерацияси Олий суди Пленумининг 2006 йил 15 июндаги



14-сонли қарорининг 34-бандига кўра, бундай “бошқа жиддий зиён” қуйидаги кўринишларда намоён бўлиши мумкин: инсоннинг узоқ давом этувчи касалланиши (масалан, захарланиш оқибатида узоқ даволаниш); атроф-муҳитнинг захарли моддалар билан ифлосланиши (масалан, оқиш/тўкилиш натижасида ҳаво, ер, сув ифлосланиши); ишлаб чиқариш жараёнининг узоқ муддатга тўхтаб қолиши (масалан, цех/омбор фаолияти хавф туфайли узоққа ёпилиши); ёнғин келиб чиқиши ва шу каби бошқа оқибатлар. Ушбу модда эҳтиётсизлик орқали ўлим ҳолати келиб чиқишини ёки оғир тан жароҳати етказилишини 234-модда 4-қисми таркиби қамраб олмайди ва бундай ҳолатларда жиноятлар мажмуи тариқасида РФ ЖКнинг 234-моддаси 4-қисми билан биргаликда ЖК 109-моддаси (эҳтиётсизлик орқасида одам ўлими) ёки ЖК 118-моддаси (эҳтиётсизлик орқасида оғир тан жароҳати етказилиши) билан ҳам квалификация қилинади [7].

Қирғиз Республикаси Жиноят кодексининг 254-моддаси 4-қисмида кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатиш қоидаларини бузганлик учун иш, агар бу уларнинг талон-торож қилинишига ёки бошқа жиддий зиён етказилишига олиб келган бўлса, жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради [8].

Беларусь Республикаси Жиноят кодексининг 334-моддасида кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни ишлаб чиқариш, олиш,

сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатиш қоидаларини бузганлик учун иш, агар бу эҳтиётсизлик оқибатида уларнинг йўқотилишига, талон-торож қилинишига ёки бошқа жиддий зиён етказилишига олиб келган бўлса, жиноий жавобгарликка олиб келади [9].

Қозоғистон Республикаси Жиноят кодекси 303-моддасининг 1-қисмига кўра, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш, олиб кириш, олиб чиқиш, жўнатиш ёки йўқ қилиш қоидаларини бузиш ушбу қоидаларга риоя этиш мажбурияти юклатилган шахс томонидан содир этилса жиноий жавобгарликка тортилади. Мазкур модданинг 2-қисмида ушбу ҳаракатлар гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларнинг талон-торож қилинишига ёки бошқа оғир оқибатларга келган бўлса, жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради [10].

Шу билан бирга, Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексида “жиддий зиён”нинг аниқ таърифи келтирилган.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ушбу йўналишда норматив-ҳуқуқий база босқичма-босқич шакллантирилаётганига қарамай, жиддий зиён тушунчаси тугал аниқ эмаслиги жиноятни квалификация қилишни ҳамда мазкур модданинг ҳуқуқни қўллаш



амалиётига самарали татбиқ этилишини қийинлаштиради. Бу ҳолатлар тегишли қонунчилик меъёрларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2021 йил 27 ноябрдаги “Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 33-сонли қарорининг 21-бандига кўра, “Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёхуд жўнатиш қоидаларини бузиш (ЖК 251¹-моддасининг тўртинчи қисми) одамнинг узоқ муддат давомида касалланиши, атроф-муҳитнинг заҳарли моддалар билан ифлосланиши ва ҳқларда ифодаланиши мумкин. Эҳтиётсизлик орқасида баданга шикаст етказилиши ёхуд одам ўлиши ЖК 251¹-моддасининг тўртинчи қисми билан қамраб олинади ва ЖК Махсус қисмининг инсон ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддалари билан квалификация қилишни талаб этмайди” [4].

Жиноят қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалардан келиб чиққан ҳолда ва суд-тергов амалиётида муаммолар юзага келишини олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 27.11.2021 йилдаги “Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан

боғлиқ жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 33-сонли Пленуми қарорига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Биринчидан Пленум қарорининг 21-бандидаги тушунтириш ЖК 251¹-моддасининг тўртинчи қисми ҳақида эмас, олтинчи қисми ҳақида баён этилган. Эндиликда мазкур қилмиш Жиноят кодексининг 276⁷-моддасига ўтказилганлиги боис, Пленум қароридаги “ЖК 251¹-моддасининг тўртинчи қисми” деб ёзилган жумлалар “ЖК 276⁷-моддаси” тарзида ўзгартирилиши керак.

Иккинчидан, Жиноят кодексининг 276⁷-моддасидаги “бошқа тарзда жиддий зиён етказилишига олиб келган бўлса” жумласини Олий суд Пленуми қарорида аниқлаштириш, “жиддий зиён” тушунчасига таъриф бериш лозим бўлади.

Пленум қарорининг 21-бандидаги “ва ҳоказоларда ифодаланиши мумкин” жумласи тергов органи ёки суд томонидан айбланувчи ёки судланувчининг ҳар қандай қилмишини жиддий зиён деб топишга ёки унинг биронта қилмишини жиддий зиён деб топилмаслигига олиб келиши, оқибатда шахснинг нотўғри айбланишига ёки жиноят содир этган шахснинг жавобгарликдан қутулиб қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Юқоридагиларга кўра, мазкур бандни “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналоглари ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли



моддаларни ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш оқибатида бошқа тарзда жиддий зиён етказилиши деганда фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига анча миқдорда моддий зарар етказилиши (масалан, анча миқдорда зарар келтирилган ёнғин келиб чиқиши), шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида шахснинг вафот этиши ёки эҳтиётсизлик оқибатида ўзга шахснинг баданига ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати етказилиши (жумладан инсон заҳарланиши оқибатида узоқ муддат даволаниши), атроф-муҳитнинг заҳарли моддалар

билан ифлосланиши (масалан заҳарли моддаларнинг оқиши ёки тўкилиши натижасида ҳаво, ер, сув ифлосланиши), ишлаб чиқариш жараёнининг узоқ муддатга тўхтаб қолиши (масалан, цех, омбор, муассаса фаолияти хавф туфайли 1 ойдан ортиқ муддатга ёпилиши) кабиларда ифодаланиши мумкин” тарзида таҳрир қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, мазкур нормаларнинг аниқлаштирилиши суд-тергов амалиётини такомиллаштиришга, жиноятларни тўғри квалификация қилишга ва криминоген вазиятнинг барқарорлигига хизмат қилади.

References:

1. С.У.Тошнӣёзов. Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашишнинг жиноий-ҳуқуқий чораларини такомиллаштириш. Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. 6-бет. 2025 й. www.natlib.uz.
2. М.М.Хайдаров. Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда муомалага киритганлик учун жавобгарликнинг айрим масалалари. Илмий мақола. Халқаро илмий конференция мақолалар тўплами. 2024 й.
3. М.Х.Рустамбаев. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм, 3-жилд, 452-бет. Тошкент. 2025 й. Yuridik adabiyotlar publish.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 27.11.2021 йилдаги “Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 33-сонли қарори, 3-бет. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.06.2007 й.
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.04.1995 й, қўшимча ва ўзгартиришлар билан. 3-бет. www.lex.uz.
6. Уголовный кодекс Российской Федерации от 13.06.1996. <https://www.consultant.ru/>.
7. Постановление Пленума Верховного Суда РФ от 15.06.2006 N 14 (ред. от 16.05.2017) "О судебной практике по делам о преступлениях, связанных с наркотическими средствами, психотропными, сильнодействующими и ядовитыми веществами". https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_61074/



8. Уголовный кодекс Кыргызской Республики.
<https://www.wipo.int/wipolex/en/text/458755>
9. Уголовный кодекс Республики Беларусь.
<https://pravo.by/document/?guid=3871&p0=hk9900275>
10. Уголовный кодекс Республики Казахстан.
<https://adilet.zan.kz/rus/docs/K1400000226>